## *Қонун барча учун устувор!*

# ЗУҒУМ

**Адолатсизлик, инсон тақдирига тўраларча муносабатда бўлиш Пахтачи тумани ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси Рисолат Умарованинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклади, сарсон-саргардон қилди**

Лондон музейларидан бирида гарчанд мўмиёланмаган бўлса-да, жон таслим этганига уч минг йил ўтганига қарамай тавба-тазарру қилган ҳолатда тош қотган Миср фиръавнларидан бирининг Нил дарёси тубидан топилган мурдаси томошага қўйилган. У на табиат ва на сарвари олам қонуниятларига бўйсунмай, билъакс, ўзини илоҳ деб эълон қилганлиги ҳамда бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмаганлиги учун Оллоҳ томонидан шундай жазога маҳкум этилган. Токи инсонлар ён-атрофларида рўй бераётган воқеа-ҳодисалардан тегишли хулоса чиқарсинлар, ҳаддиларидан ошмасинлар, оёқлари ердан узилиб қолмасин, барчага сабоқ бўлсин учун...

Хом сут эмган бандаси унутгучидир. Агар шундай бўлмаганида эди, тарих хатолари такрорланмас, одамизот учун бу дунё ҳам, у дунё ҳам гўшаи жаннат бўлур эди.

Ҳар бир одам ўзича олам. Ҳеч қачон, бирини иккинчисидан, иккинчисини учинчисидан кам кўрмаслик лозим. Шу боис, донишмандларимиз лавозим ва бурч хусусида сўз борганда, гап унинг катта ёки кичиклигида эмас, балки уни қонунни устивор билиб, нечоғлик сидқидилдан адо этиш ва бировларга жабр-ситам етказмасликда, дея ўгитлар берганликлари бежиз эмас. Зеро, қаердаки зўравонлик авж олса, ўша ерда адолат сояда қолади, қаердаки адолат унутилса, ўша ерда суиистеъмолчиликка йўл очилади.

Таассуфлар бўлсинким, баъзи қонунни ҳимоя қилувчиларнинг ўзлари унга беписанд муносабатда бўлмоқдалар. Охир оқибатда манманлик, кибр - ҳаво илдиз отмоқда, адолатсизлик юзага келмоқда.

Мана бу хат фикримизнинг ёрқин исботи, у Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси номига ёзилган. Бундан буёнги фикр-мушоҳадаларимиз ушбу нома теграсида кечганлиги учун ҳам уни тўлиқ ҳолда келтирамиз:

«Ушбуни ёзиб маълум қиламанки, мен 1997 йил 15 сентябрда ғайриқонуний равишда Пахтачи туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси лавозимидан бўшатилган эдим. Мазкур масала юзасидан вилоятимиз касаба уюшмалари кенгаши ва тармоқ касаба уюшма қўмитаси биргаликда текширув ўтказиб, лавозимга тикланишим ва мажбурий юрган прогул кунларимга ойлик маошларимни ундириб бериш зарурлиги тўғрисида хат жўнатишди.

Мана икки ой ўтибдики, қонуний бу талаб бажарилмаётир. Шунинг учун айнан Федерациянгиздан меҳнат қонунчилигини чуқур биладиган етук мутахассисларингиздан юбориб, қонуний ҳуқуқларимни тиклаб беришларингизни сўрайман.

**Рисолат УМАРОВА,**
**Самарқанд вилояти,**
**Пахтачи тумани».**

Арзномага 1998 йил 31 май санаси битилган. Демакки, орадан роппа-роса ярим йил ўтди. Беихтиёр савол туғилади: авалбоши нима бўлган эди-ю, охири нима билан тугади?

Федерация, унинг кенгаши раиси шикоятга ўта жиддий муносабатда бўлди: ушбу масала билан кечиктирмай шуғулланиш учун тегишли кўрсатмалар берилди, энг тажрибали ҳуқуқшунослар сафарбар этилди. Бу ўз-ўзидан тушунарли эди. Боиси, кимсан ҳоким ўринбосари минг изтиробда қўлига қалам олишга мажбур бўлган жойда оддий фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилмаслигига ким кафолат бера олади? Лекин, айни вақтда, сўнгги йилларда талай ибратли ишлари билан эл оғзига тушган туманда бундай номақбул ҳол юз бериши мумкинми, деган мулоҳаза ҳам йўқ эмасди.

Халқда «шошган ўрдак ҳам боши билан, ҳам кети билан шўнғийди», деган нақл юради. Афсуски, Пахтачи туманидан бошланиб, аввал вилоят, сўнг республика идораларининг аралашувига сабаб бўлган ушбу воқеани шунчаки шошқалоқлик, совуққонлик дея изоҳлаш қийин. Воқеалар таҳлили ҳоким «сен эмас, мен» деган тушунча остида ҳаракат қилганлигини тасдиқлайди. Шундайки, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси, ҳоким ўринбосари Рисолат Умарова - туман собиқ ҳокими Б.Бердимуродовнинг 1997 йил 15 сентябрдаги 282-сонли қарорига кўра гўёки «бошқа ишга ўтиши муносабати билан» вазифасидан озод этилган. Эҳтимол, ҳоким бошқа - тармоқ бўйича ўринбосарларидан бирига нисбатан шундай буйруқ чиқарганида ҳақ бўлур эди. Бироқ, у амалдаги қонунни, ҳам вилоят хотин-қизлар қўмитаси Уставини қўпол равишда бузиб, бир йўла иккита хатога йўл қўйган. Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 92-моддасида ходимни доимий бошқа ишга ўтказишга фақат унинг розилиги билан йўл қўйилиши кўрсатилган бўлиб, Р.Умарова воқеасида эса бундай қилинмаган, боз устига бошқа иш ҳам таклиф этилмаган. Иккинчидан, ҳокимнинг бу ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида Давлат ва жамият қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги Фармонининг 2-бандига зиддир. Мазкур Фармонга кўра хотин-қизлар масалалари бўйича ҳоким ўринбосари лавозимини тегишли хотин-қизлар қўмиталарининг раислари эгаллашлари керак, қўмита раислиги эса сайлов асосида ўз эгасини топади. Гарчанд, ҳокимнинг ишдан бўшатиш ҳақидаги қарорида Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий давлат ҳокимият органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддасига асосланганлиги келтирилса-да, у хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви (Пленуми)нинг Р.Умаровани лавозимидан озод этиш ҳақидаги қарори бўлгандагина қўлланиши мумкин эканлиги негадир унутилган.

Масалага янада ойдинлик киритадиган бўлсак, Самарқанд вилояти хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Пахтачи туман хотин-қизлар қўмитаси Уставларининг 5-бандига мувофиқ қўмита раисини сайлаш, лавозимидан озод этишга бошқарув (Пленум) ваколатлидир. Ҳокимнинг буйруғи эълон қилинган пайтда эса, Р.Умаровага нисбатан бошқарувнинг бундай қарори бўлмаган. Орадан икки кун ўтибгина ҳоким шундай қарорни қўлга киритган. Биз бежизга «қўлга киритган» демаяпмиз. 1997 йил 17 сентябрда бўлиб ўтган Пахтачи туман хотин-қизлар қўмитаси Пленумининг мажлис баёни билан танишган киши гап нима ҳақда эканлигини дарҳол пайқайди. Унда, жумладан, шундай сўзлар битилган:

«Пленум ишини туман ҳокими Бердимуродов очди. Пленум кун тартибида ташкилий масала кўрилди.

Б.Бердимуродов пленум қатнашчиларини туман ҳокимининг 1997 йил 15 сентябрдаги 182-К рақамли қарорига асосан туман ҳокимининг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган Умарова Рисолат Барноевнани мутахассислиги бўйича бошқа ишга ўтиши муносабати билан эгаллаб турган вазифасидан озод этганлигини маълум қилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги Фармонига биноан ушбу лавозимда ишлаб турган ходим айни пайтда туман хотин-қизлар қўмитаси раиси ҳам эканлигини эслатиб, юқоридаги қарорига асосан Р.Б.Умаровани туман хотин-қизлар қўмитаси раиси вазифасидан озод этишни сўради. Таклиф тасдиқланди.

Қаршилар, бетарафлар йўқ...

Бердимуродов ўз сўзида давом этиб, ҳозиргача туман марказий поликлиникасида геникол-шифокор вазифасида ишлаб келган Бекбоева Моҳира Саъдиновнани вилоят ҳокимлиги билан келишилган ҳолда ўзининг 1997 йил 16 сентябрдаги 187-К рақамли қарорига асосан туман ҳокимининг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида қарор чиқарганлигини маълум қилди...»

Ўзи хон, кўланкаси майдон, деганлари шу бўлса керак-да. Юқорида таъкидлаганимиздек, туман хотин-қизлар қўмитаси бошқаруви (Пленуми) озод этмай туриб бир одамни ишдан бўшатган ҳоким яна эски хатосини такрорлаб, Пленум тасдиқламай туриб олдиндан бошқа бир кишинихотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосар этиб тайинлаб ўтирса!

Энг ачинарлиси ҳамда ташвишланарлиси шуки, пленум иштирокчилари қонунга зид иш қилинаётганлигини, инсон - аёл ҳақ-ҳуқуқи чекланаётганлигини кўра била туриб, муросасозлик қилдилар. Шундан кейин ҳам ажабланмай кўринг-чи!

Воқеалар ривожи, инсон тақдирига беписанд қараш ва бошқа ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар Рисолат Умаровани қўлга қалам олишга, ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиб, вилоят касаба уюшмалари кенгашига шикоят ёзишга мажбур қилди. Шу муносабат билан ўтказилган текширув чиндан ҳам Р.Умаровага нисбатан адолатсизлик қилинганлигини тасдиқлади. Ҳоким қарори ҳамда буйруғида баён этилган «бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан вазифасидан озод этилсин» ўз тасдиғини топмагани, чунки у иш билан таъминланмагани, шунингдек, Р.Умаровага меҳнат шартномасининг бекор қилинганлиги ҳақидаги буйруқ нусхаси ва меҳнат дафтарчаси ўз вақтида берилмаганлиги оқибатида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 108-моддаси талаби бажарилмаганлиги, бинобарин, юқоридаги асослардан келиб чиқиб Р. Б. Умаровани аввалги лавозимга тиклаш, тўғрисида туман ҳокимлигидан ёзма равишда сўралган. Бироқ...

Пахтачи туман ҳокимлиги текширувда иштирок этган вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси қўмитасининг биргаликда амалга оширган қонуний муносабатларини тан олмади. Тўғрироғи, назар-писанд қилмади. Юқорида зикр этиб ўтганимиздек бу ноҳақлик, зуғум Р.Умаровани яна ҳам юқорироққа - Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига шикоят йўллашга мажбур этди. Яна текширув, яна ва яна оворагарчилик...Табиийки, қўшимча камчиликлар аниқланди. Текширув ва аниқланган қонунбузарликлар натижаси ўлароқ туман ҳокимига Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг меҳнат ҳуқуқлари нозири томонидан шу нозирлик ҳақидаги низомга асосан Р. Б. Умаровани ўз ишига тиклаш, мажбурий бўш юрган кунларига маош ундириш ва меҳнат дафтарчасига тегишли ёзув киритиш юзасидан ёзма тақдимнома берилди. Қизиғи шундаки, ижро муддати ўтса-да, қонуний талабларни бажаришни ҳеч ким хаёлига ҳам келтирмади. Билъакс, ҳақиқатни мардларча тан олиш, хато-камчиликларни бартараф этишга киришиш ўрнига «ўйин»га берилиб кетишди. Хусусан, туманнинг янги ҳокими Э.Умматовнинг Федерация кенгашига йўллаган эътирозномасида шундай дейилади: «1997 йил 15 февралда Пахтачи туманида республикадаги барча туманлар қатори хотин-қизлар қўмитасининг биринчи ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтган. Конференция хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот даври фаолиятига баҳо бериб, туман хотин-қизлар қўмитасининг янги таркибини сайлаган. Шунинг билан илгариги қўмита ҳамда унинг раиси ваколатлари тугаган. Бироқ, конференция якунида хотин-қизлар қўмитаси раисини сайлаш масаласи очиқ қолган. Сабаби ...»

Бу ёғи куракда турмайдиган гаплар. Чиндан ҳам ҳоким айтган санада хотин-қизлар қўмитасининг ҳисобот-сайлов йиғилиши ўтказилган. Унда қўмита иши қониқарли деб топилган ва янги бошқарув таркиби, шу жумладан унга Р.Умарова ҳам сайланган. Шунингдек, ана шу конференцияда вилоят қўмитасига делегатлар сайланган бўлиб, ҳар иккала сайловда ҳам Р.Умарова номи қўмита раиси сифатида зикр этилган.

Яна эътиборингизни ҳокимнинг эътирозномасида билдирилган «ваколатлари тугаган» деган сўзларга қаратамиз. Биринчидан, Р.Умарованинг қўмита раислиги лавозимидаги ваколати 1997 йил 16 февралда тугаши мумкин эмас. Чунки у 1995 йили 5 йил муддатга сайланган. Иккинчидан, Р.Умарованинг 1997 йил 15 сентябрга қадар, яъни ушбу конференциядан сўнг ҳам етти ой мобайнида ўз вазифасини бажарганлиги ва лавозим маошини олиб келганлиги, айни вақтда ҳоким ўринбосари сифатида фаолият кўрсатганлигини ҳеч ким инкор этолмайди-ку?! Атоқли драматург Шекспирнинг Ҳамлети «Оқ нарса қорайиб, қора нарса оқариб кўриняпти» дегани шу эмасмикин?

Арасту шундай дейди: «Баркамолликка эришган инсон барча жонзотлардан юқори туради. Аммо агар у қонунлар ва адолатга бўйсунмай яшаса, ҳаммасидан тубандир. Адолатсизликни қурол қилиб олишдан ҳам даҳшатлироқ қурол йўқ».

Қаранг, йўл қўйилган битта хатони хаспўслаш учун яна қанча хатоларга йўл қўйилаётир, ёлғонлар тўқилаётир. Уят эмасми? Калондимоғликни айтмайсизми? Чиллаки чиллакини кўрса чумак урадими ёки бунинг яна бизга қоронғу бўлган томонлари борми?

Ушбу масалага аниқ-равшан ойдинлик киритиш учун у республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати йиғилиши кун тартибига қўйилди. Унда иштирок этиш учун Самарқанд вилояти ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитасининг раиси таклиф қилинган эди. Аммо инсон тақдирига беписанд қараш, кибр-ҳаво яна ўз ишини қилди. Вакил қилиб юрист юборилди. Эътироф этиш керакки, у чиндан-да малакали ҳуқуқшунос эканлигини исботлай билди. Бироқ у қанчалик кучли билимга эга бўлмасин, охир- оқибат қонун устуворлик қилди. Адолат тантанасига эришилди. Рисолат Умаровани ўз вазифасига тиклаш юзасидан Раёсат қарори қабул қилинди.

Шу ўринда Президентимиз Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидаги қуйидаги сўзлари ёдга тушади: «Ҳаёт ўз йўлида давом этаверади. Раҳбарлар келиб кетади, эл, халқ қолади. Лекин ана шу раҳбар халқ кўнглидан ўзига жой топа оладими?»

Ҳўш, қонунни назар-писанд қилмай инсон ҳақ-ҳуқуқини таҳқирлаган, оқил ва одил фуқароларнинг ҳақли таънасига учраган Пахтачидаги мутасадди раҳбарлар бу саволга қандай жавоб беришаркин?

**Мирғиёс ҚАЮМОВ,**
**Зайниддин РИХСИЕВ,**
**Будир ПЎЛАТОВ.**

**Таҳририятдан:**

**- Улуғ донишмандлар Ватанга энг муносиб таъриф излаганда, уни Она сиймосига қиёс этганларида катта маъно бор,- дея таъкидлади ҳурматли Президентимиз Конституция кунига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида. - Дунёда «муқаддас» деган сўзга энг муносиб зот ҳам - Онадир.**

**Демакки онани - аёлни эъзозлаш - миллатимиз, халқимиз учун олий қадрият даражасига кўтарилган.**

**Бас, шундай экан, ишонамизки, Самарқанд вилояти ҳокимлиги мўътабар зот - аёлга, Пахтачи туман ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раисига нисбатан қилинган зуғум, адолатсизликка муносиб баҳо бериб, ушбу масалага узил-кесил нуқта қўяди.**



***Фарғона вилояти*** **Риштон туманидаги Ражабов номли ширкат хўжалигида иш звено усулида ташкил этилган.**

**Шу боис деҳқонлар ўзларини ернинг ҳақиқий эгаси, деб ҳис этишмоқда. Ана шундай миришкорлардан бири Муқимжон Ҳасановдир. У жорий йилда мавжуд 9 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан ғалла йиғиштириб олди. Келаси йил эса ихтиёридаги ерга чигит экишни мўлжаллаб турибди.**

**Суратда: звено бошлиғи Муқимжон Ҳасанов.**

**Баҳтиёржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

# МЕҲНАТ АРДОҒИ

Кейинги йилларда Қува туманидаги Улуғбек номли жамоа хўжалиги бироз оқсаб қолган эди. Фозилжон Тожиматов жамоага раҳбар бўлиб келгач, бош мутахассис ҳамда бригада бошлиқлари суҳбат ўтказиб, йўл қўйилган хатоларнинг асл сабабларини аниқлади. Бошқарув бўғинида бўшашувчанлик, мутахассисларнинг вазифасига нисбатан совуққонлик, масъулиятсизлик ҳоллари мавжудлиги боис ҳар бир ходимга нисбатан талабчанликни кучайтирди. Бригада бошлиқлари билан маслаҳатлашиб иш юритди. Жорий йилда 519 гектар ерга «Фарғона-3» навли чигит экиб, ғўза агротехника қоидалари асосида парвариш қилинганлиги, иш юритишда илғор усуллар қўлланилганлиги ўзининг самарасини берди. Режа удданди. Давлат қабул пунктларига 1615 тоннадан ортиқ қимматбаҳо саноат хом ашёси топширилди. Ҳосилдорлик 31,5 центнерданни ташкил этди. Етиштирилган хом ашёнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Бундай меҳнат ғалабасини қўлга киритишда тажрибали деҳқон Муродил Собиров бошлиқ бригада заршунослари муносиб улуш қўшишди. Бригада деҳқонлари хўжаликда биринчи бўлиб 60 гектар ернинг ҳар гектаридан 33 центнердан ҳосил кўтаришди.

Теримчи ва хашарчиларга иш ҳақи ўз вақтида тўлаб борилди. Илғорларга хўжалик бошқаруви томонидан мукофотлар берилди. Жумладан, хўжаликда биринчи бўлиб, йиллик режани бажарган бригада бир бош қўй, гилам, иккинчи ўрин 30 кийимлик атлас, учинчи ўрин эса 20 кийимлик атлас билан тақдирланди.

Айни чоғда миришкорлар ерни келаси йил ҳосили учун тайёрлаш ишларини ниҳоясига етказишмоқда. Пахта майдонларини ғўзапоядан тозалаш, ариқ-зовурларни тартибга солиш, шудгорлаш юмушлари шулар жумласидандир. Маҳаллий ўғит жамғариш, техникани таъмирлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

**Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ.**

Марғилонда Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номидаги биринчи республика қизиқчи ва аскиячилар кўрик-танлови ўтказилди. «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубий маркази ҳамда Фарғона вилоят ҳокимлиги томонидан ташкил этилган бу тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан саксонга яқин истеъдод соҳиблари қатнашди.

# Қизиқчилар танлови

Танловдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда ёш кулги усталарини кашф этиб, уларнинг истеъдодини ривожлантиришдан иборат эди. Қизғин ўтган бу ўзига хос мусобақада Навоий вилоятидан Соҳиб Ҳасанов раҳбарлигидаги театр студияси ҳамда Марғилон шаҳар маданият уйининг Мамасидиқ Ширяев бошчилигидаги қизиқчилар гуруҳи ғолиб деб топилди. Санъат мухлислари орасида катта қизиқиш уйғотган бу тадбирни ҳар икки йилда бир марта ўтказишга қарор қилинди.

**/ЎзА/**

# ТУРКИЯДА ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗИЛМОҚДА

Ўтган ҳафтада Президент Сулаймон Демирел 73 ёшли тажрибали сиёсатчи, Демократик сўллар партиясининг етакчиси Бюлент Эжевитга Туркия Республикасининг янги ҳукумати таркибини тузиш ва мамлакатни бўҳрондан олиб чиқиш юзасидан топшириқ берди.

Маълумки, Туркия парламенти яқинда мамлакатнинг амалдаги бош вазири Месут Йилмаз раҳбарлигидаги ҳукуматга ишончсизлик билдирди. Месут Йилмаз Маҳкамаси атиги бир ярим йил муқаддам фаолият бошлаган бўлиб, сўнгги уч йил ичида тузилган бешинчи ҳукумат ҳисобланар эди.

Шарҳловчиларнинг фикрича, ҳукуматнинг юқори доирадаги амалдорлари давлатга қарашли банкнинг сотиб юборилишини қўллаб-қувватлашда ва уюшган жиноятчиликка бевосита даҳлдор бўлган тадбиркорга кўмаклашганликда айбланади. Қизиғи шундаки, бу борада ҳукумат вакилларининг айбдорлигига ана шу шубҳали тадбиркор Кўркмас Йигитнинг ўзи гувоҳлик берган. Кўркмаснинг айтишига қараганда, нуфузли амалдорлардан бир нечаси уни давлат бошқарувида бўлган Туркбанки сотиб олишга кўндиришади. Натижада, у август ойида ушбу банкни 600 миллион долларга сотиб олган.

Ноябр ойида депутатлардан бири Кўркмас Йигитнинг Туркияда номи тилга тушган гангстер Оловуддин Чақичи билан алоқадорлигини, қолаверса, банк савдоси билан боғлиқ ишларда ана шу ашаддий жиноятчининг ҳам бевосита қўли борлигини фош этганидан сўнггина мазкур банкни хусусийлаштириш жараёни тўхтатиб қолинди.

Мазкур амалдорлар ўзларининг коррупцияда айбдорликларини рад этишларига қарамасдан, асосий мухолифатчи партияларнинг қатъий талаби билан 25 ноябр куни мамлакат парламенти томонидан Йилмаз ҳукуматига ишончсизлик билдирилди. Эндиликда Туркиядаги мавжуд партиялар вакилларининг иштирокида янги коалициявий ҳукумат барпо этиш масъулияти мамлакатнинг собиқ бош вазири Бюлент Эжевит зиммасига юкланди.

70-йилларда Туркия ҳукуматига уч маротаба раҳбарлик қилган Бюлент Эжевит номзодига келсак, у сиёсий қарашлари бўйича миллийликка бирон ён берувчи сўлмарказчилардан саналади. Айни чоғда Бюлент Эжевит адабиётчи, зиёлий сифатида мамлакатдаги сиёсий кучларнинг аксарият қисми томонидан мақбул кўрилган, ҳаттоки ҳарбийлар орасида ҳам эътибор қозонган.

Мамлакат Конституциясига биноан, Бюлент Эжевит тузадиган вақтинчалик ҳукумат янги йилнинг апрел ойида ўтадиган навбатдаги сайловгача ҳокимиятни бошқариб туриши керак бўлади. Хўш, нафақат Туркия иқтисодиётини сақлаб қолиш, балки ўзини ҳам ҳаракатчан сиёсатчи сифатида сиёсат саҳнасида ушлаб тура билиш Бюлент Эжевитнинг қўлидан келармикан?

Мутахассисларнинг фикрича, Эжевитнинг бўлажак командаси парламент томонидан тасдиқлансагина бу масалага бир мунча ойдинлик киритиш мумкин бўлади.

Ҳозирда эса Эжевит ўзининг вақтинчалик ҳукумат бошлиғи эканига қарамай, дунё миқёсидаги ялпи иқтисодий бўҳрон асоратларининг мамлакат иқтисодиётига таъсирини мумкин қадар камайтиришдан иборат мутлақо аниқ мақсадлар сари интилмоқда.

**«ТУРКИСТОН-ПРЕСС»**

# ЭЛ ЭЪЗОЗИ — УЛУҒ НЕЪМАТ

**дейди Ш. Рашидов туманида истиқомат қилувчи 96 ёшли Ҳаким ота Назаров**

Эллигинчи йилларда Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари бошланиб, тоғолди ҳудудларда истиқомат қилувчилар бу ишга оилавий сафарбар этилдилар. Ана шундайлар орасида Ҳаким Назаровлар оиласи ҳам бор эди. Ҳаким бобо бошчилигидаги оила аъзолари 1955 йили чўлга отланишди. Бу катта карвон сафарга отланаркан, иш яхши бўлганидан кейин кишининг ризқ-рўзи ҳам бутун бўлишини англаб, жаннатмакон Бахмалдаги қишлоғини ортда қолдириб, даромади камроқ бўлган қўриққа келиб ишлашдан қўрқмади.

Ҳаким бобонинг оиласи ҳам Мирзачўлда камол топди. Бобонинг олти ўғли, ўн тўрт қизи Мирзачўлда таваллуд топди, улғайиб вояга етди. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилишаяпти. Бугунги кунда отахон кўплаб невара, 30 дан ортиқ чеваралари оғушида бахтли ҳаёт кечирмоқда. Яқинда отани бутун қариндош-уруғлари эвара кўргани билан қутлашди. Янги меҳмонга бобоси Баҳодиржон дея исм қўйиб берди.

Ҳаким бобо асли чорвадор эмасми, чорвачиликнинг бугунги аҳволи ҳақида куйиниб шундай дейди:

— Мен умримнинг асосий қисмини чорвачилик учун сарфладим. Ғоят машаққатли касб. Бугун ҳар бир хонадонда, айниқса, қишлоқ жойларда ҳеч бўлмаганда бир бош сигир бузоғи билан бўлгани маъқул, деб ҳисоблайман.

Тўқсон олти ёшли Ҳаким бобо ҳузурига кунда чорвачилик билан шуғулланаётган фермерлар тез-тез келиб маслаҳатлар олиб туришади.

...Одамлар орасида ҳийла бўйдор, кенг пешонали, истараси иссиққина мўйсафид ҳам кетиб боради. Кўксини қоплаган оппоқ соқоли, маънодор кўзлари, оқ яктаги унга янада улуғворлик ва нуронийлик бахш этади. Учраган катта-ю кичикнинг қўли кўксида. У кишига салом беришади:

— Ассалому алайкум, Ҳаким ота.

— Ваалайкум ассалом, умрингдан барака топ, болам.

Бу ҳурматли қария - табаррук инсон тўю-маъракаларнинг, катта-кичик давраларнинг эъзозли кишиси Ҳаким ота Назаров.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# Олам узра номи кетган Ўзбекистон, ўзбегим...

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Ўзбек халқи чексиз муҳаббат билан ўз аждодларига иззат- икром кўрсатади. Буюк салафлари номини бутун дунёга ёйиб, шарафлайди, - деб ёзади ушбу журнал. - Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов кучли демократик давлат барпо этиш учун бетиним ҳаракат қилмоқда. Янги жамиятда халқ ўзининг диний ҳам эътиқод эркинлигига эга. Ҳа, Президент халқ ҳаёти фаровонлиги ва мамлакат тараққиёти учун бутун ҳаётини бағишлаган. Алломалар тўйи ташкилотчиси ҳам Президентдир. Ислом Каримов шундай дейди: - Бу улуғ муҳаддис ва буюк аллома нафақат ўзбек халқининг, балки бутун мусулмонларининг, дунёнинг фахр-ифтихоридир!»

«Покистон обсервер» газетаси: «Мовароуннаҳр Макка ва Мадинадан кейинги муқаддас жойдир, - дея эътироф этади ва бунинг сабабини шундай изоҳлайди: - Чунки айнан шу ҳудуд ислом динининг ёйилиши ва рағбатлантирилишида иккинчи манба бўлган. Айнан шунинг учун ҳам субқитъа кишилари... Ўзбекистон аҳолиси билан асрий тарихий ришталарга эга».

Шу йилнинг 4 ноябрида эълон қилинган «Имом Бухорий ва ал-Фарғоний юртига саёҳат» деб номланган мақолада: - Биз

Бибихоним масжиди, Амир Темурнинг қабри қўйилган мовий гумбазли, маҳобатли мақбара - Гўри Амирни зиёрат қилдик, - дейди журналист, сўнг халқимизнинг улуғ салафларига кўрсатаётган эҳтиромига қиёс сифатида бир ҳикматга эътиборни қаратади: - Бу ҳолат шу қадар таъсирлики, Амир Темур ўз васиятига кўра, пири Саид Барака оёғи учига дафн этилган!..

Зеро, улуғларнинг бешигини тебратиш, гарчи фарзанди бўлса-да, уларга иззат-икром кўрсатиш, улуғлар олдидаги

хокисорлик халқимизнинг ҳимматини дунёга кўз-кўз этаётган нодир ва олижаноб хислатлардан биридир...

Покистоннинг катта нуфузга эга инглиз, урду ва араб тилларида чиқадиган «Медиа Таймс» журнали эса, сўнгги сонини тўлиғича Ўзбекистонга бағишлаган. Журнал муқовасида - юртбошимизнинг сурати, ички ҳар бир саҳифа эса, байроғимиз, гербимиз тасвири билан кўркам тарзда безатилган.

«Ўзбекистоннинг қаерига йўлингиз тушмасин, меҳмоннавоз кишилар сизни «Ассалому алайкум!», яъни, «Сизга тинчлик тилайман!» - деб илиқ кутиб олишади», - деб ёзади журнал «Ўзбекча саломалик» мақоласида, сўнг халқимизнинг ўзига хос меҳмоннавозлиги, миллий удум ва анъаналар - никоҳ, оила ва маҳалла, миллий байрамларимиз, жумладан, Наврўзи олам, сўзана ва ҳунармандлик, зардўзлик, рақс санъати, бир сўз билан айтганда, ҳаётимизга кўрку таровот бағишлаб турган миллий ўзига хос жиҳатлар ҳақида батафсил ҳикоя қилади.

Буюк Британиялик Эми Спьюлинг Ўзбекистоннинг турфа хил ноз-неъматлари ҳақида фикр юритар экан, йигирманчи йилларда ҳам Тошкент - нон шаҳри, деб аталганини, ҳатто чегара ортидан келган оч-наҳорларга ҳам бошпана бўлганлигини ёдга олиб ўтади, шундан келиб чиқиб, бугун ҳам у турфа миллат ва элат вакилларига бағрини кенг очиб турганлиги ҳақида сўз юритади, серҳиммат бу халқ етиштираётган ноз-неъматларни, албатта, татиб кўриши керак, дейди у, чунки бу неъматлар таъми, тилни ёрадиган ширасини таърифлаб беришга тил ожиздир!..

Журнал ўтаётган йил юртбошимиз томонидан Оила йили деб эълон қилингани ҳақида сўз юритиб, ўзбек оиласининг ботиний салоҳиятини шарафлайди: «Етмиш йилдан ортиқ ҳукм сурган шўро истибдоди ҳам ўзбек оиласи меъёрларини ўзгартира олмади, - дейди журналист, - имонимиз комилки, ўзбек оиласининг юксак тарбиявий илдизлари қўшни, қардош мамлакатлар, шу жумладан, Покистон учун ҳам, шубҳасиз, тараққиёт асоси бўлиб хизмат қилишга муносиб...

Ҳар бир ҳовлида мўъжаз бўлса-да, мевали боғ бор, - дея давом этади у. - Имом Бухорий, Ибн Сино, Алишер Навоий ва Мирзо Улуғбек Ватани бўлган бу юрт нафақат беадад маъданлар захирасига эга, айни пайтда тенгсиз маданият, илму маърифат ўчоғи ҳамдир.

Назаримда, бу - ҳам ақлий, ҳам диний юксалиб минтақамиздаги бошқа мусулмонларга ибрат бўлгуликдир».

Журнал қадим Бухоро ва Хива шаҳарларининг дунё миқёсида нишонлаган 25ОО йиллик тўйи, уларнинг тарихи, 223 километр масофага чўзилган Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилиши, унинг истиқболлари, Тошкент метрополитени янги йўналишидаги қурилишлар, юртимизнинг навқирон автомобилсозлик, самолётсозлик, олтин, нефть ва газ саноати, Зариповлар сулоласининг миллий циркчилик мактаби, шунингдек, «Президент кубоги» халқаро теннис мусобақалари, спортимизнинг чақноқ юлдузлари ҳақида ёрқин ҳикоя қилган, бири-биридан жозибали рангли суратлар эса мамлакат ҳаётининг турли қирралари ҳақидаги тушунчаларни янада бойитади ва улар бир бутун ҳолида бугунги Ўзбекистон ҳақида журналхонда яхлит тасаввур ҳосил қилади.

Ўзбекистон истиқлолининг дастлабки куниданоқ хорижий ишбилармонларга кучоғини кенг очди, деб ёзади «Медиа Таймс»: «Бу юрт дунёдаги ноёб маъдан захираларига бой энг бадавлат ўн мамлакатнинг бири ҳисобланади. Ундаги маъданлар қиймати 1.92 триллион фунт стерлинг деб баҳоланган... Ўзбекистон олтин ишлаб чиқариш миқёсида дунёдаги йирик етти мамлакатнинг бири, олтин захиралари бўйича у бешинчи ўринда туради...»

Журнал Ўзбекистоннинг чексиз имкониятлари, хорижлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда яратилган йирик қўшма корхоналар, улар жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқараётган рақобатбардош маҳсулотлар, сайёҳликни беҳад ривожлантириш мумкинлиги ҳақида мароқ билан ҳикоя қилган ва, албатта, истиқлол шарофати билан амалга оширилаётган бу кўламли ўзгаришлар юртбошимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати маҳсули сифатида баҳоланган.

- Кундан-кунга ривожланиб бораётган, бизнес имкониятлари бениҳоя улкан бўлган Ўзбекистон бугунги кунда бутун дунё эътиборини ўзига тортмоқда,- дейди журнал ходими жаноб Чоудҳри Ҳамид Маҳмуд. - Ўзбекистон - улкан иқтисодий салоҳиятга эга бўлган давлат. У Осиё ва Оврупони боғловчи кўприкдир.

Мустақилликдан сўнг Ўзбекистон спортчилари жаҳон чемпионатлари, жаҳон кубоги ҳамда халқаро мусобақаларда, Осиё чемпионатларида 399 та медални қўлга киритишга муваффақ бўлишди.

Улар Ватанига олиб келган медалларнинг 131 таси олтин, 126 таси эса кумушдир, дея қайд этади «Медиа Таймс».

«Тошкентда, Бухоро ва Самарқандни айланганда, маданий мерос ва маънавий уйғонишнинг шоҳиди бўлдим», деб ёзади журнал ходими, сўнг у қадим Самарқандга кўрк бағишлаб турган Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Бибихоним, Регистон мажмуи, Шаҳрисабздаги муҳташам Оқсарой, шунингдек Амир Темур ва темурий шаҳзодалар ҳақида ҳаяжон билан ҳикоя қилади. Журнал миллий адабиёт намояндалари ижодига ҳам алоҳида ўрин ажратган. Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг озодликка ташна руҳдаги шеърияти ҳақидаги мақола, табиийки, покистонлик журналхонларда катта қизиқиш уйғотади. Шунингдек, журнал лаҳорлик Тоҳир Аслом Гора «Ўзбек шеърияти антологияси»ни нашрдан чиқараётгани, Алишер Навоий ҳазратларининг ғазаллар мажмуи нашрга тайёрланаётгани, Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» комедияси «Ал Ҳамра» театри саҳнасида намойиш этилаётгани ҳақида маълумот беради, ўз навбатида бу адабиётимизга бўлган муҳаббатни намоён этса, покистонлик Аббос Хоннинг «Буюк ипак йўли очилиши арафасида» туркум бадиалари, Изҳор ул Ҳақ, Чоудҳри Ҳамид Маҳмуд, Файсал Зоҳид Малик сингари соҳиби қаламларнинг мустақил Ўзбекистон ҳаётидаги маънавий, иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар, Президент Ислом Каримов юритаётган ички ва ташқи сиёсат, Ватанимизнинг қадим тарихи, асори атиқалар, замонавий улуғвор қурилишлар ҳақидаги қатор мақолалар покистонликларнинг юртимизга бўлган қизиқиши чексиз эканлигини ўзида ифода этади.

Покистонлик ҳамкасбимиз юртимизнинг салоҳияти, кўркам табиати, халқимизнинг олижаноб фазилатлари улуғланган мақоласини шундай номлаган: «Бу гўшадан ҳеч ким кўнгли тўлмай чиқиб кетмаган!»

**Бу гап бежиз айтилаётгани йўқ. Бу - шу юртга меҳр, бу - эҳтиром, чин дилдан айтилган инсоний эътироф бу!**

**Ғаффор ҲОТАМОВ.**

*Ҳиссадорлик жамиятларида*

## СОФ ДАРОМАД КЎПАЙМОҚДА

Бухоро вилоятидаги «Қоракўлдонмаҳсулот» ҳиссадорлик жамияти республикамиздаги мавжуд йирик саноат корхоналаридан биридир. Корхонада жорий йилнинг ўтган даврида 344 миллион 65 минг сўмлик, ёки бошқача қилиб айтганда, 11 минг 664 тонна «Ўзбекистон» навли ун, 6 минг 205 тонна омухта ем ҳамда 208 тонна макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, Туркиядан «Экмасан» фирмаси билан ўзаро тузилган шартнома асосида ўрнатилган янги дастгоҳ-ускуналари туфайли аҳолига 250 тонна нон маҳсулотлари ҳам етказиб берилди. Шунингдек, бу ерда 64 тонна гуруч қадоқланиб, вилоятнинг Қоракўл ва Олот туманлари савдо дўконларига сотилди. Натижада тўққиз ойлик соф даромад 24 миллион сўмни ташкил этди. Ҳар бир акциядор 350 сўмдан девидент пулларини олишди. Корхона бўйича бу кўрсаткич 93 миллион сўмга етди.

Хўш, бундай муваффақиятларнинг сири нимада?

Аввало, шуни айтиш керакки, зарур ва эҳтиёж талаб техник жиҳозлар келтирилиб, эскириб қолган тегирмонлар, траспорт воситалари қайта таъмирланди. Ишлаб чиқариш қувватини янада ошириш мақсадида эса Италия ва Болгария каби хориж мамлакатларидан замонавий асбоб-ускуналар олиб келиб ўрнатилди.

Ҳиссадорлик жамияти деҳқон ва фермер хўжаликларидан 20520 тонна бошоқли дон қабул қилиб, бир сменада 1 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда. Ғалла ташиш мавсумида корхона ихтиёридаги мавжуд 15 та турли русумдаги трактор ва иккита автоуловлар ёрдамида доннинг 70-80 фоизи ташилганлиги ҳам жамоа даромадини оширишга сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, туманлар хўжаликларига 82 миллион сўмлик бошоқли дон уруғи сотилди. Бунда М. Абдуллаев, Ғ. Бозоров, С. Эргашев ва Ш. Ҳакимов каби илғор ишчилар меҳнат унумдорлигини оширишда бошқаларга ўрнак бўлаётир.

— Биз, — дейди суҳбат чоғида тадбиркор раҳбар С. Ҳасанов, — жамоамиз иқтисодини янада мустаҳкамлашга катта эътибор бераяпмиз. Бунинг учун корхона қошида қўшимча тикув цехи ҳамда ёрдамчи хўжалик барпо этаяпмиз. Шунингдек, ички имкониятлардан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Ҳиссадорлик жамиятимизга қарашли бўлган 15 та савдо шаҳобчалари бор. Бу дўконларга рўзғарбоп жиҳозлар ва ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан етказиб турибмиз. Фойда ой сари ошиб бормоқда. Ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 4500-5000 сўмни ташкил қилмоқда.

**Воси НОСИР,**
**«Ишонч» мухбири.**

*ОБУНА - УЗЛИКСИЗ ЖАРАЁН*

## БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТГА ЕТИБ БОРСИН

***Республикамизда обуна мавсумининг тугашига ҳам саноқли кунлар қолди. Шундай долзарб онларда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир нашр имконият даражасида ўз ўқувчиларини топишига ҳаракат қилинмоқда. Шу ўринда газетхонларда ушбу муҳим тадбир «Ишонч» ҳамда «Ишонч-Доверие» газеталарига обуна қандай кетмоқда? деган савол туғилиши табиий. Шу боисдан жамоатчи мухбиримиз касаба фаоллари билан учрашиб, уларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.***

**В.КОЧКАРОВ,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташкилий ишлар бўлимининг мудири.**

Республикамизда туб ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Аҳолининг турли табақаларини ижтимоий ҳимоялашнинг яхлит механизми ишлаб чиқилиб, у муттасил такомиллаштирилмоқда. Ўз навбатида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси мамлакатимиз истиқболининг асосий йўналишларини тўла қўллаб-қувватлаб, уларни амалга оширишда барча касаба ташкилотларини фаол қатнашишга даъват этиб келмоқда.

Ҳозирда республикамиз касаба уюшмалари сафларида 7 миллиондан зиёд аъзо бўлиб, улар 66 мингга яқин бошланғич ташкилотга бирлашган. Айни пайтда улар турли йўналишда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимоялаш, соғломлаштириш, маданий-маърифий ва бошқа тадбирларни амалга оширмоқдаларки, бунда касаба нашрлари «Ишонч» ҳамда «Ишонч-Доверие» газеталарининг роли бениҳоя каттадир. Шу туфайли ҳам обуна мавсумида касаба уюшма нашрларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Ҳозирги шароитда маблағ масаласида бирмунча муаммолар борки бу обуна мавсумини тўлақонли кечишига тўсқинлик қилмоқда. Лекин биламизки, маънавий бойлик ниҳоятда қадрланади. Шу туфайли ҳам айрим вилоятлар касаба уюшмалари кенгашлари ҳамда тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталари касаба уюшмалари нашрларини ҳар бир бошланғич ташкилотга етиб боришига ҳаракат қилмоқдалар.

**М.ОДИЛОВА,**
**Республика енгил, мебель саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг раиси**

Тармоғимизда 2 мингдан зиёд бошланғич ташкилотларимиз фаолият кўрсатмоқда. Ҳозиргача 1000 дан зиёд касаба уюшма ташкилотлари «Ишонч» ҳамда «Ишонч-Доверие» газеталарига обуна бўлишди. «Қизил тонг»,«Тошгаз» корхоналари ҳамда «Таштаъмирқурилиш» ҳиссадорлик жамиятларида мазкур тадбир айниқса яхши йўлга қўйилди.

Шу ўринда бир муаммони айтиб ўтишни истардим. Кўпгина меҳнат фахрийларимиз бор. Лекин банкдан пул ўтказиш йўли билан уларни газеталарга якка тартибда обуна қила олмаяпмиз. Мана шу масала ижобий ҳал этилганда газеталаримиз ўқувчилари сони яна ҳам ортган бўларди.

**М.ХАСАНОВА,**
**«Тоштўқимачи» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма қўмитаси раисининг муовини**

Мен «Ишонч» ҳамда «Ишонч-Доверие» газеталарини фаолиятим тақозоси билан ўқиб бораман. Айрим мақолалар менда чуқур таассурот қолдиради. Яширмайман, газеталар камчиликлардан ҳам холи эмас. Шу ўринда бир фикрни билдирмоқчи эдим. Одатда қайси корхона ёки ташкилотда бўлманг касабақўмларнинг қабул куни белгиланмаган, уларнинг эшиги доимо очиқ. Чунки бизга кунига кўплаб меҳнаткашлар турли масалалар юзасидан мурожаат этишади. Биз эртага келинг, индинга келинг дея олмаймиз. Чунки бунга шахсан менинг виждоним йўл қўймайди. Бунинг устига ўзини ҳақиқий касаба фаоли деб ҳисоблаган инсон борки бунга маънавий ҳаққи йўқ. Шу боисдан газета саҳифаларида касабақўм етакчиларининг қийин, лекин шарафли фаолиятлари, уларнинг илғор иш тажрибалари ҳақида кўпроқ мақолалар берилса.

Обуна масаласига келсак корхонамизда севимли газеталаримиз «Ишонч» га 50 та, «Ишонч-Доверие»га 20 та обуна бўлдик. Обуна давом этмоқда.

*Оила йили дастури шарофати*

## БАДАВЛАТ ИЖАРАЧИЛАР

Йилимизнинг оила йили деб аталишида рамзий маъно бор. Зеро, жамият, давлат равнақи оиладан бошланади. Бу йилда оилаларимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш йўлида ибратли ишлар қилинмоқда. Тайлоқ туманида ҳам бу борада мақбул йўллардан бири танланган, десак хато бўлмайди. Тумандаги умумий жараённинг намунаси сифатида «Қўшчинор» жамоа хўжалигидаги ишлар билан танишиб, унинг бошқарув раиси Муйин Қурбоновдан шарт- шароитларни гапириб беришни сўрадик.

- Хўжалигимиз Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилида ташкил этилган. Иқтисодий молиявий жиҳатдан ўнгланиш осон бўлмади. Айниқса, иқтисодий хўжалик алоқаларидаги пароқандалик, манфаатдорликнинг пастлиги жиддий мураккабликларни келтириб чиқарди. Фақат ислоҳот ғояларини фаол амалга ошириш туфайли хўжалигимиз тумандаги йирик ва иқтисоди барқарор хўжаликка айланди.

Ҳозир хўжалигимизда асосан сабзавот, шунингдек, ғалла, мева, полиз, картошка, етиштирилади. Жами 1100 гектар майдонда деҳқончилик қилинади. Бу йил хўжалик 100-120 миллион сўм даромад олиши кутилмоқда. Хўш, бунга асос, замин борми?

Ишлаб чиқаришнинг ўсиши манфаатдорлик даражасига боғлиқ. Шуни ҳисобга олиб, энг аввало Президентимиз кўрсатмаларига амал қилиб, ерларни, боғларни ижарага беришни, хусусийлаштиришни жадаллаштирдик. Айниқса, ижара усули катта самара бера бошлади. Масалан, олдинги йилларга нисбатан таққослаганда ишлаб чиқариш ҳажми йилига сабзавотчиликда 12-13 фоиз, ғаллачиликда 30-40 фоиз ошиб бормоқда.Бунга энг аввало ҳосилдорликни ошириш орқали эришиляпти.

Оила йилида хўжалигимизда ҳам оилаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва даромадини ошириш мақсадида тўлиқ оила пудрати жорий қилинди. Масалан, бизда 190 оилавий пудрат хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида ички пудрат шартномалари тузилиб, ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқ кўрсатилди. Манфаатдорликнинг ошиши натижасида ва даромад кафолатланганлиги туфайли одамларнинг ўзлари маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга қизиқишмоқда. Хусусан, бир гектар ерни ижарага олиб, помидор етиштирган оила шартномада кўрсатилган маҳсулотни топшириб, 150 минг сўмга яқин соф даромад қилди. .

Оилавий пудратчиларга кўмаклашиш мақсадида хўжалигимиз мутахассислари ҳар бир экинни парвариш қилиш қоидаларини ишлаб чиқиб, пудратчига шартнома нусхаси билан бирга тақдим этишади.Шунингдек, шартнома иловасида ҳар бир экин тури бўйича ерни шудгорлашдан бошлаб ҳосилни йиғиб олгунча талаб қилинадиган харажатлар ( бир гектар ер учун ) ҳисоб - китоби тўлиқ кўрсатилган. Бу усул ўз-ўзини назорат қилишда, тежамкорликни оширишда жуда қўл келяпти.

Асосий гап шундаки, аҳоли тўлиқ иш билан таъминланди. Боқимандалик кайфиятига чек қўйилмоқда. Ижтимоий ёрдамга муҳтожлар камайиб бораётир.

**Қ.РУСТАМОВ.**
**ёзиб олди.**







**Суратларда: лаборатория ходими Азиза Латипова; ана шундай йирик идишларда узум шарбатлари сақланади. Шарбат тайёрлаш бўйича мутахассислар Шавкат Ҳайдаров ва Абдураҳмон Зулинбоевлар.**

**Холмат МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.**

## ҲАЛҚОБОДНИНГ ХАРИДОРГИР ШАРБАТЛАРИ

Янгийўлдаги Халқобод агрофирмасига қарашли узум шарбатини қайта ишлаш корхонаси бозор иқтисодиёти шароитига мослашган ҳолда иш юритаётир. Ишчи-хизматчилар туманда етиштирилган Саправи, Морачел, Кабарне, Изобелла каби узум навлари ҳосилидан шарбат тайёрлаб, харидоргир ичимликлар ишлаб чиқараётирлар. Шунинг учун улар тайёрлаётган ичимликлар деярли республикамизнинг йирик савдо марказларида чет эл ичимликлари қаторидан ўрин олган.

Ҳозирда бу ерда беш хилдаги ичимликлар тайёрланмоқда. Айниқса Когор виноси шифобахш бўлганлиги учун унинг сифати янаям яхшиланиб, қони кам беморлар даволанадиган шифохоналарга етказиб берилмоқда.

*Истеъмолчи манфаати-муқаддас!*

## БОЗОРДАГИ УЧАРЛАР

Денов туманидаги «Бободеҳқон» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятини одамлар энг гавжум маскан деб аташади. Чунки, уч юз мингга яқин туман аҳолисининг кундалик бозор-ўчари шу ердан битади.

Маълумингизким, шу йилнинг 4 сентябрь кунида истеъмолчилар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, сертификатланмаган, сақлаш муддати ўтиб кетган, истеъмол қилиш учун яроқсиз бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг сотилиши олдини олиш, аҳоли саломатлигига зарар етказилишига йўл қўймаслик ҳамда озиқ-овқат товарлари савдосида тартиб ўрнатиш юзасидан Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.

Яқинда бозор маъмурияти, туман санитария-эпидемиология станцияси ходимлари, аҳоли истеъмолига озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи, якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар устидан санитария-назорат рейди ўтказилганда фуқаро Жўрақул Хўжаев, Ҳаким Рамазонов, Суннатилло Нормуродов, Фахриддин Ҳамзаев кабилар сотаётган озиқ-овқат маҳсулотлари энг аввало санитария талабларига мутлақо жавоб бермаслиги аниқланди. Уларнинг аксарият қисми уй шароитида тайёрланган қандолатчилик маҳсулотларидир. Бу озиқ-овқат неъматларини ишлаб чиқариш бўйича гигиеник-экспертиза, сертификат ҳужжатлари мавжуд эмас. Улар тозаликка риоя этмаганлари устига тиббий кўрикдан ҳам ўтишмаган. Шу куни Т.Умиров, А.Йўлдошев, М.Қобилова, Ш.Умаров, Н.Ҳайдаров, А.Набиев, Р.Қўчқорова кабилар ҳам сотаётган «Сўрғич» конфетлар ташқи тарафи «полиэтилен» этикетка билан ўралган. Ишлаб чиқарилганлигини тасдиқловчи тамғалар ва ички махсус ўров қоғозлари йўқ. Яна энг ёмон жиҳати-конфетга ишлатилган шакар миқдори меъёрда эмас. Номаълум кишилар томонидан тайёрланган маҳсулотлар мусодара қилинди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

